

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВ ХАЙРУЛЛА ШАВКАТОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛЕКСИК ТЕЖАМҚОРЛИКНИНГ**  
**ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам  
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

**Саидов Хайрулла Шавкатович**

Инглиз ва ўзбек тилларида лексик тежамкорликнинг ифодаланиши ..... 3

**Саидов Хайрулла Шавкатович**

Выражение лексической экономии в английском и узбекском языках ..... 19

**Saidov Khayrulla Shavkatovich**

The Expression of Lexical Economy in English and Uzbek Languages..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications ..... 39

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВ ХАЙРУЛЛА ШАВКАТОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЛЕКСИК ТЕЖАМҚОРЛИКНИНГ**  
**ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва**  
**таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/Fil1460 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Расулов Зубайдулло Изомович  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Ахмедов Ойбек Сапорбаевич  
филология фанлари доктори, профессор  
Насруллаева Нафиса Зафаровна  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «28» январь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (264 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2023 йил «07» январь кuni тарқатилди.  
(2023 йил «07» январь даги 23-04 - рақамли реестр баённомаси.)



**Д.С.Ўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

**Ғ.Н.Муродов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби в.б., филология фанлари доктори, профессор

**М.М. Жўраева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқларининг тил бирликларини қўллаш ва танлаш имкониятлари ҳар хиллиги уларнинг яшайдиган ижтимоий ҳаёт тарзи, миллий психологияси, тилида доимий содир бўлиб турадиган фонетик, лексик, морфологик, синтактик ўзгаришлардан юзага келадиган бузилишларда янада яққол намоён бўлади. Натижада нутқ кўринишларида товуш, сўз маъноси, турли морфологик ва синтактик шаклларни нутқий ихчамликка асосланган ҳолда тушириб қолдириш ёки коннотатив маъно ифодалаш мақсадида орттириб қўллаш ҳодисаларини ўрганиш тилнинг коммуникатив, экспрессив хусусиятларини очиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида ҳар бир тилнинг жамият билан биргаликда узлуксиз тараққий этиб бориши туфайли лингвистик омиллар тилшунослар олдига янги-янги тадқиқотларни кўндаланг қўймоқда. Нутқдаги лексик тежамкорликни ўрганиш ҳам ҳозирги тилшуносликнинг мунозарали ва долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда оддий нутқ баробарида поэтик нутқда ҳам лексик тежамкорлик яққол намоён бўлмоқдаки, бу унга хос меъёрларни, матнда тил бирликларининг жойлашув ўрни ва ролини, функционал-услубий имкониятларини, агар улар ортиқ ҳолда тежалса, нутқий бузилишлар рўй бериб, ғализликлар юзага келишини, шунинг учун тил ва нутқда тежамлилик тамойилининг назарий-амалий асосларини аниқлаш, тежаш асосида ихчам ва лаконик ифодага, услубий равонликка эришиш йўллари кўрсатиб беришни илмий асослашга имкон яратади.

Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар шароитида замонавий лингвистиканинг инсон омили таъсирида шаклланган прагмалингвистика, социолингвистика соҳалари чегарасида юзага келган когнитив-дискурсив тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. “Келгусида биз инглиз ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўрганишга катта аҳамият беришимиз зарур. Шу асосида иқтидорли ёшларга таълим бериш жуда муҳимдир”<sup>1</sup>. Кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги мустақил юртимизда барча соҳалардаги каби тилшунослик соҳасида “миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришиш” учун катта ва устувор вазифалар белгиланмоқда. Шу вазифалар қаторида турли тизимли тилларга мунсуб инглиз ва ўзбек тилидаги лексик тежамкорлик билан боғлиқ масалаларни қиёсий ўрганиш ҳам зарур. Чунки бу иккала халқ ўртасидаги манфаатли муносабатларни янада барқарорлаштириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь Олий Мажлисидаги нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 12. <https://uza.uz>

бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадқиқот мавзусига доир илмий-назарий фикрлар хорижий лингвистлар В.Гумбольдт, В.В.Воробьев, Э.Сепир, В.А.Маслова, В.В.Красных, С.В.Иванова, Н.Ф.Алефиренко, Н.Д.Арутюнова, Т.Ф.Волкова, Т.Б.Евсюкова, К.Р.Каграманов ва бошқаларнинг тадқиқотларида учрайди<sup>2</sup>. Улар ўз тадқиқотларида лексик бирликларни тежаб қўллаш нутқий ихчамлик эканлиги бўйича тегишли фикрлар билдирган. Уларнинг лексик тежамкорлик хусусидаги фикрлари бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Бироқ муаммонинг мазмун-моҳияти, нутқий тежамкорликнинг бошқа кўринишларидан фарқи, ўзига хос белги-хусусиятлари, стилистик имкониятлари масаласида уларнинг фикри бир хил эмас.

Ўзбек тилшунослигида тежамлилиқ тамойилининг амал қилиш қонуниятлари А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Ж.Элтазаров томонидан монографик аспектда тадқиқ этилган бўлса, тежамлилиқ тамойили хусусида М.Миртожиев, И.Шукуров, М.Мислиддинова, М.Туробова каби олимлар фикр юритганлар. Айрим дарслик ҳамда қўлланмаларда ҳам бу ҳақда маълумотлар келтирилган.

---

<sup>2</sup>Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры. Пер. с нем./Сост. и общ. ред. А.В. Гулыш, Г.В. Рамишвили. – М.: Прогресс, 1985; Воробьев В.В. Лингвокультурология: теория и методы. –М.: 1997; Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Академия, 2000; Красных В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. – М.: 2002; Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. ... д-ра филол. наук. –Уфа, 2003; Алефиренко, Н.Ф. Лингвокультурология: Ценностно-смысловое пространство языка. –М.: Наука, 2010. -288 с.; Арутюнова, Н.Д. Язык и мир человека. –М.: 1999. -896 с.; Волкова, Т.Ф. Сравнения в речи диалектной языковой личности: Дис. канд. ... филол. наук. –Томск: 2004. -237 с.; Евсюкова, Т.Б. Лингвокультурологическая концепция словаря культуры: Автореф. ... докт. фил. наук. –Нальчик: 2002. - 42 с.; Каграманов Карен Размикович. Антономасия как средство языковой номинации: семантика и прагматика (на материале англоязычной прессы): Автореферат кандидатской диссертации. –Москва: 2007. - 25 с.; Колесов, В.В. Язык и ментальность. –Петербургское Востоковедение, 2004. - 240 с.; Колшанский, Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. –М.: Наука, 1990. -103 с.; Лебедева, Л.А. Устойчивые сравнения русского языка во фразеологии и фразеографии: Дис. ... док. филол. наук. –Краснодар, 1999. - 204 с.

Р.Н.Юсубова тадқиқотида ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик А.Орипов лирикаси мисолида ўрганилиб, шоирнинг тилдан фойдаланиш, тил бирликларини танлаш ва қўллашда лисоний тежамкорлик маҳорати стилистик нуқтаи назардан очиб берилган.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Бухоро давлат университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Прагмалингвистика, функционал таржимашунослик, ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси” мавзуидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида лексик бирликларни тежаб қўллаш нутқий ихчамлик, мазмунни осон тушунтириш, лакониклик, ранг-баранг ифода услубига, коннотатив маъно ифодалашга эришиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инглиз ва ўзбек тилшунослигида лисоний тежамкорлик тамойилининг ўрганилганлик даражасини аниқлаш асосида унинг мазмун-моҳияти, нутқий тежамкорликнинг бошқа кўринишларидан фарқи, ўзига хос белги-хусусиятлари, стилистик имкониятларини очиб бериш;

матнда лексик тежамкорликнинг ўрнини, услубий аҳамияти ва хосланганлигини белгилаб кўрсатиш;

матнда лексик тежамкорликдан кўзланадиган услубий мақсад ва вазифаларни аниқлаш;

тил ва нутқда сўзни тежаш билан боғлиқ йўллар, уни таъминловчи воситаларни далиллаш;

тежамлиликда аниқлик, ихчамлик, лакониклик, ифодада ва ифодаланаётган фикрни тез ва осон тушуниш ҳамда тушунтиришга эришиш, имплицит ифодаланган фикрдаги коннотатив маънони илғаш йўлларини ёритиш;

лексик тежамлиликни ифодаловчи бирликларнинг тил ва нутқдаги мавқеини, уларни тежаш орқали фоноцион энергияни тежашнинг инсон учун аҳамиятини исботлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида лексик тежамкорлик акс этган инглиз ва ўзбек тилларидаги матнлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик тежамкорлик тамойилининг мазмун-моҳияти, омиллари, кўринишларидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, тасвирий, стилистик, лингвистик тавсифлаш, таснифлаш, дискурсив, контекстуал-ситуатив, коммуникатив-прагматик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида фонетик, лексик, синтактик, морфологик, график тежамкорлик кўринишларида ҳосил бўладиган диалектал, контекстуал, окказионал, эмоционал-экспрессив хусусиятлар мулоқот

жараёнининг парадигматик (тил сатҳи) ва синтагматик (нутқ сатҳи) муносабати ҳосиласи эканлиги далилланган;

қиёсланаётган тилларда лексик тежамкорликнинг метафора, метонимия, синекдоха, киноя, вазифодошлик, субстантивлашган сўзлар орқали ифодаланиши психоллингвистик, прагмалингвистик, лингвокультурологик ва социоллингвистик омиллар таъсири натижаси эканлиги исботланган;

ҳар иккала тилда лексик тежамкорликнинг тасвир ва талқин асосини коммуникатив, экспрессив хусусиятлар ташкил қилиши ҳамда матн яхлитлиги, унинг мантикий-мазмуний изчиллигини таъминлашдаги иштироки мулоқот вазияти билан шартланганлиги аниқланган;

матнни шакллантиришда сўзни тежаш билан боғлиқ йўллар, уни таъминловчи воситаларнинг услубий аҳамияти ва хосланганлиги, лексик тежамлиликни ифодаловчи бирликларнинг тил ва нутқдаги мавқеи, у орқали фонцион энергияни тежашга эришишнинг аҳамияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

лисоний тежамлиликнинг инглиз ва ўзбек тилларида ўрганилишининг назарий-методологик асосларига таяниб, шу тилларда яратиладиган матн кўринишларида лексик тежамлиликнинг услубий хусусиятлари, кўринишлари, ифода шакллари, лексик-семантик тежамлилик воситалари ва йўллари, унинг услубий хосланганлиги, лексик тежамкорликда сўз маънолари кўчишининг ўрни (метафора, метонимия, синекдоха, вазифодошлик, киноя мисолида), ижодкор услубининг таъсири, имплицит ифода, аггосубствивлик ҳамда субстантивациянинг ўрни очиқ берилган;

чиқарилган хулосалар чоғиштира тилшунослик ҳамда таржимашуносликка оид дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувида хизмат қилиши аниқланган;

оммавий ахборот воситаларида лексик тежамкорликнинг тил ва нутқда инсоннинг борлиққа муносабатини, турли руҳий ҳолат ва вазиятларга баҳосини ифодалашдаги, образлилик, оҳангдорлик, эмоционал-экспрессивликни таъминлашдаги аҳамиятини далиллашда манба вазифасини бажариши далилланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммо тадқиқига илмий жиҳатдан холислик мезони билан ёндашилганлиги, муаммо аниқ белгиланганлиги, талаб даражасида илмий асосланганлиги, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий, бадий манбалардан олинганлиги, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосаларнинг амалиётда жорий этилганлиги, улар мазмун-моҳиятида кейинги давр тилшунослигида воқеланаётган замонавий илмий тафаккурга асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик тежамкорлик тамойилига хос омиллар, белги-хусусият ва воситаларни чоғиштира ўрганишга дахлдор масалаларни тадқиқ этишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши ҳамда қиёсий-типологик

нуктаи назардан ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган назарий умумлашмалардан олий ўқув юртлари филология йўналиши бўйича яратилаётган лексикология, тил тарихи, матн лингвистикаси, тил назарияси, инглиз ва ўзбек тили стилистикаси, замонавий лингвистика фанларидан маърузалар ўқиш, семинар машғулоти ва махсус курсларни ўтишда, тилнинг тадрижий ривожланиши ва нутқий-лисоний ўзгаришлар билан боғлиқ илмий тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантиришда, ўқув жараёни учун дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда амалий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги тежамкорлик тамойили асосида шаклланган лексик бирликларнинг семантик, лингвопрагматик ҳамда лингвокультурологик тадқиқи жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида фонетик, лексик, синтактик, грамматик, график тежамкорлик кўринишларида ҳосил бўладиган диалектал, контекстуал, окказионал, эмоционал-экспрессив хусусиятлар мулоқот жараёнининг парадигматик (тил сатҳи) ва синтагматик (нутқ сатҳи) муносабати ҳосиласи эканлигига оид назарий хулосалардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 15 августдаги №17.01/321-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа материаллари икки тил доирасидаги лексик бирликлар таҳлилига асосланган соҳа луғатлари яратиш учун янги илмий-назарий манба ва маълумотлар билан бойитилган;

қиёсланаётган тилларда лексик тежамкорликнинг метафора, метонимия, синекдоха, киноя, вазифадошлик, субстантивлашган сўзлар орқали фойдаланиши психолингвистик, прагматингвистик, лингвокультурологик ва социолингвистик омиллар таъсирида воқеланишига оид хулосалардан Бухоро давлат университетидида 2018-2020 йилларда бажарилган S-UZ800-18-GR-0022 рақамли “Access-STEM” номли хорижий лойиҳада фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 11 ноябрдаги №05-01-2452-сон маълумотномаси). Натижада филология ва тилларни ўқитиш (инглиз) таълим йўналиши талабалари ва ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив қобилиятини ошириш, тилшунослик, хусусан, оғзаки дискурда кузатилатиладиган қисқартма ва акронимлар мундарижаси борасидаги билимини ошириш ҳамда таълим тизими жараёнини мустаҳкамлаш мақсадида яратилган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувлар асосида фан дастурини модернизация қилиш имкони яратилган;

ҳар иккала тилда лексик тежамкорликнинг тасвир ва талқин асосини коммуникатив, экспрессив хусусиятлар ташкил қилиши ҳамда матн яхлитлиги, унинг мантиқий-мазмуний изчиллигини таъминлашдаги иштироки мулоқот вазияти билан шартланганлиги билан боғлиқ хулоса ва натижалардан

Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” телекўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 14 ноябрдаги №1/286-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган; келтирилган таҳлиллар телетомошабинларнинг мулоқот жараёнида, дискурсив фаолият мобайнида тилнинг асосий вазифаси бўлган ахборотни узатиш ва қабул қилиш ҳаракатлари самараси ва мазмуни тўғрисидаги билимини ва уларнинг нутқ зоҳирланишига қизиқишини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола, улардан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 126 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жаҳон тилшунослигида тежамкорлик тамойилининг ўрганилиши**» деб номланган биринчи боби илмий адабиётларда лисоний воситалар тежамкорлиги муаммоси, тежамкорлик ва ортиқчалик ҳодисаларининг ўзаро муносабати дискурсив фаолият маҳсули сифатида жаҳон ва мамлакатимиз тилшунослигида лисоний тежамкорлик тамойилининг тадқиқи каби масалаларга бағишланган.

Инсон танаси кераксиз ортиқча унсурлардан, хотирани зўриқтирувчи, ҳам физиологик, ҳам психиологик ҳаракатларга сабаб бўлувчи исталган кўринишдаги плеоназм шаклларида қарши туришга интилади.

Тил илмида “онгли тежамкорлик”, “лингвистик тежамкорлик”, “лисоний тежаш”, “тил тежамкорлиги”, “тил тежамкорлиги омили”, “тежамкорлик тамойили” каби терминлар билан атаб келинаётган оғзаки ва ёзма нутққа хос тежамкорлик тамойили кўпдан эътиборга тушиб келаётган муҳим ва долзарб илмий муаммолардан биридир. Унинг моҳиятини бирор тил бирлигининг белгисиз келиши, тафаккурдаги фонетик, морфологик, лексик қисқартирилиши асосида инсон энергиясининг тежалиши ташкил қилади.

Бу борада ҳозирги ўзбек тили материали асосида тадқиқот олиб борган Р.Юсубова таъкидлаб ўтганидек, “Тежамлилик тамойили лисоний тараққиётда муҳим ўрин тутиб, тилда оптималликка интилиш талаби билан юзага келади. Ихчамликка, қулайликка интилиш тил бирликларини тежашга, бу эса ўз ўрнида фонацион энергиянинг тежалишига, нутқ аъзоларининг ҳаракатини енгиллатишга олиб келади”.<sup>3</sup> Бунгача А.Мартине ҳам тилдаги тежамкорлик эҳтиёжи асосида “инсоннинг алоқа эҳтиёжлари ва унинг ўз ақлий ва жисмоний кучини энг кам сарфлашга интилиши ётишини таъкидлаган эди”.<sup>4</sup>

Тил тежамкорлиги, бир томондан, “куч тежаш”, “тил дангасалиги” қонуни, бошқа томондан, ҳаёт суръатларининг кескин тезлашиши билан боғлиқ. Айнан шу қарама-қаршилик тил эволюциясига олиб келади. Мазкур қарама-қаршиликлар эса тежамкорлик тамойилининг амал қилиниши натижасида бартараф қилинади.<sup>5</sup> Бундан тежамкорлик тамойили тил тараққиётининг махсус, хусусий қонунларидан бири эканлиги ойдинлашади. Шунинг учун тил тараққиётининг асосий жараёнларидан бири тил ресурсларини тежаш тамойили ҳисобланади. Бу тенденция умуминсоний хусусиятга, универсал характерга эга бўлиб, тил тизимининг барча даражаларига таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳам маълум нуқтаи назардан тил тежамкорлиги тамойилини тил ўзгаришларининг сабабларидан бири сифатида қараш мумкин.

Тил тежамкорлиги ўзига хос тил қонунияти сифатида дунёнинг барча тилларига хос бўлгани учун универсал характерга эга. Ҳар бир тилда рўй бераётган кўпгина ўзгаришларни айнан шу тамойилнинг амал қилиши билан боғлаб изоҳлаш мумкин. Тил тежамкорлиги тамойили тилдаги кўплаб ўзгаришларининг асосини ташкил қилади. Унга амал қилиш орқали тилнинг ранг-баранглиги ва жозибаторлиги очиб берилади. Тил тежамкорлиги тил эволюциясининг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир.

Тил эволюцияси давомида тежамлилик тамойилининг ўрни ҳамisha сезиларли бўлган. Бинобарин, тил структурасининг тараққиёти коммуникация эҳтиёжларидан келиб чиқиши сабабли, ундан ана шу алоқа эҳтиёжи туфайли фойдаланиб келингани учун қулай бирликларни танлашга ҳаракат қилинган. Бунинг натижасида тил таркибида айрим структурал ўзгаришлар яшаш билан боғлиқ ҳолатлар юз берган. Шу қаторда тил бирликларининг қисқаришига ҳам амал қилинган.

Г.П.Мельников айтганидек: “Тил органик тизимдир, яъни у адаптив тизимнинг бир тури бўлиб, унинг структураси инсоннинг онгли аралашувисиз юз берувчи структурал эҳтиёжлар ва субстант имкониятларнинг ўзаро таъсири жараёнида шаклланади, структурал эҳтиёжлар эса тизим томонидан структура ва субстанциянинг энг қулай бирикувини доимий, стихияли равишда танлаб

<sup>3</sup> Юсубова Р.Н. Ҳозирги ўзбек поэзиясида лисоний тежамлилик ва ортиқчалик (А. Орипов лирикаси мисолида): Филол. фанлари номз. ...дисс. автореферати. – Тошкент, 2011. – 25 б.

<sup>4</sup> Мартине А. Основы общей лингвистики. // Новое в лингвистике. Вып. 3. – М.: Иностранная литература, 1969. – С.366-558.

<sup>5</sup> Скредина Л.М. Некоторые вопросы развития языка (проблемы и методы диахронического исследования). – Минск: Изд-во БГУ, 1978. – С.120 с.

олинишига нисбатан реакция сифатида пайдо бўлади”.<sup>6</sup> Ж.Элтазаровнинг кузатишларига кўра, айнан шу сабабли лингвистик адабиётда тил бирликларининг қисқариши ва коммуникация учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир ҳодисаларни ўзида жамловчи тежамкорлик тамойили (экономия принципи) ва унинг тил эволюциясидаги роли хусусида анчадан буён хилма-хил фикрлар билдириб келинмоқда.<sup>7</sup>

Диссертациянинг «**Лексик тежамкорлик когнитив структуралар воқеланишининг ифодаси сифатида**» номли иккинчи бобида инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик бирликларнинг когнитив структуралар тежамкорлиги натижаси сифатида ифодаланиши, стилистик воситаларнинг тежамкорлик тамойили асосида воқеланиш хусусиятлари, лексик сатҳда семантик бир маънолилиқ категорясининг инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзига хослиги, моҳият-мазмунни тавсифланган.

Замонавий илмий парадигмаларда маънога берилган таърифларда асосан, тилдан ўрин эгаллаган ва инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган билим ва тажрибани акс эттирувчи когнитив тузилма сифатида эътироф этилишига гувоҳ бўламиз. Маъно аниқланмиш тўғрисидаги билимлар мажмуасини, шу жумладан потенциал ва ассоциатив хусусиятларни ўз ичига олади. Когнитив тилшуносликда лингвистик ва энциклопедик ахборот ўртасида қатъий фарқланишнинг мумкин эмаслиги, лингвистик билимнинг автономлик имконияти мавжуд эмаслиги, унинг олам тўғрисидаги билимдан ажралмас бирлик эканлиги ҳақида таъкидланади<sup>8</sup>.

Тил бирлигининг (лексема) маъноси фақат бошқа когнитив структуралар ёки бу маънолар ортида турган ва уларни тушунишни таъминлайдиган билим блоклари контекстида аниқ бўлади. Муаммонинг бу ўзгариши бизга лексик бирликни баъзи бир асосий билимлар тузилиши фонида бирлик сифатида кўриб чиқишга имкон беради<sup>9</sup>.

Лексик-семантик тежамлилиқ куйидаги шаклларда ифода топади:

а) субстантивацияда лексемани тежашдан матнда фикрни ихчам, қисқа ифодалаш орқали лаконик ифодада аниқ мазмунни юзага келтириш, баъзи ўринларда коннотатив, эмотив маънони рўёбга чиқариш учун;

б) метафорада образли ихчамлик, метонимия ва синекдохада фикрнинг “зич” жойлашиши маълум бир аъзонинг туширилиши ҳисобига рўй бериб, янги лексик маънонинг ҳосил бўлишига замин яратади, умумлаштирувчилик, жамлик, тасвирийлик, ажратиб кўрсатиш имкониятларига эгаллиги туфайли қўлланади.

Стилистик тежамлилиқ. Бунга ўзбек тилидан айрим олмошлар ҳамда ёрдамчи сўзлар билан боғлиқ тежашларни мисол қилиш мумкин. Жумладан лексик тежамкорлик кўринишларидан бири сифатида кузатиладиган нима

<sup>6</sup> Мельников Г.Я. Принципы системной лингвистики в применении к проблемам тюркологии // Структура и история тюркских языков. – М.: Наука, 1971. – С. 121-137.

<sup>7</sup> Элтазаров Ж.Д. Тилдаги тежамлилиқ тамойили ва қисқарув. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2004. – 110 б.

<sup>8</sup> Демьянков В.З. Когнитивная лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода // Вопр. языкознания. – 1994. – № 4. – С. 17–33.

<sup>9</sup> Феоктисова А.Б. Когнитивные аспекты семантики идиом, обозначающих чувства-состояния: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1996. – 17 с.

сўроқ олмоши не, на архаик шаклида, қайси олмоши қай, қаю шаклларида қўлланиши фикримиз далили бўла олади. Бунда асоснинг шаклий томонини тежашга интилиш сўроқ олмошларида кўп кузатилади.

Масалан: *Не (нимани) топдингиз?* (Т.Малик)

Не олмош шакли контекстда қандай, қанча сўроқ олмошларининг семантикасини ифодалайди. Масалан, қанча олмоши ўрнида не шакли келса, икки бўғин бир бўғин билан ифода этилиб, бир бўғиннинг тежалишига олиб келади. Натижада талаффуз ихчамлашади, қўшимча бўёқ, бир хил шаклнинг такрорланишидан эшитиб таъсирланиш кузатилади:

*Не-не ўлкаларнинг не даҳолари.* (А.Мухтор)

Ёрдамчи сўзларнинг моддий ифодасида товушни иқтисод қилишдан ихчамлик, қулайлик, шеърийда бўғинлар тенглигига эришиш назарда тутилиб, тилимиздаги “билан” кўмакчиси “била”, “-ла” шаклида, “учун” кўмакчиси “-чун” кўринишида қисқартирилади. “Лекин” зидлов боғловчиси “лек”, “агар” / “гар”, “токи” / “то” шаклида қисқартириб ишлатилади.

Сўз тежамлилиги икки хил кўринишда учрайди:

- а) сўзнинг ўзи тежалиши (контекстдан бутунлай тушириб қолдирилиши);
- б) қисқартириб ифодаланиши (масалан, қайси олмошининг қай шаклида ифодаланиб, қаер ёки қандай олмошини ҳам ифодалаб келиши);

Лексик тежамлилиқ субстантивацияда янада ёрқин намоён бўлади. Бунда лексема тежалиб, қисқа ва лўнда ифода юзага келади.

Сифатлар баҳолаш муносабатини ифодалаб, инсон характер-хусусиятини баҳолашга хизмат қилиб келганида улардан сўнг “одам”, “киши” сўзлари метонимия усулида қисқартирилиши кузатилади. Масалан: “Яхшидан от қолади, ёмондан дод” мақоли аслида “Яхши (одам)дан от қолади, ёмон (одам)дан дод (қолади)” кўринишида бўлиб, унда услубий ғализлик ва хатоликнинг олдини олиш мақсадида лексик тежамлилиқ тамойилига асосланган. Натижада сифатларнинг отлаштирилиши асосида сифат семантикасида маъно кўчиши юз берган. Энди у шахс ва унинг белги-хусусиятини баҳолашга хизмат қилмоқда. Натижада “яхши” ва “ёмон” сифатларининг денотатив маъноси кучсизланиб, коннотатив маъноси кучайган. Яна юқоридаги мақолнинг иккинчи қисмида такрор (тавтология)нинг олдини олиш мақсадида анафорик эллипсис қоидасига мувофиқ кесим вазифасида келган “қолади” феъли туширилган. Шундай бўлса-да, унга хос таъкид маъноси ўз кучида қолган.

Бундай ҳолат сифатнинг бошқа турлари мисолида ҳам юзага келади. Масалан: *“Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда” / “Катта (ёшдаги киши)га ҳурматда бўл, кичикка (ёшдаги кишига) иззатда (бўл)”* каби.

Инглиз тилида шахсга мурожаат сўзлари кўпинча лексик тежамкорликнинг бир кўриниши сифатида намоён бўла олади. Масалан: Mr, Mrs, Miss, Ms, Sir, Dr, Lady or Lord, Mr President, General, Captain, Father, Doctor or Earl.

Юқорида келтирилган шахс номига мурожаатни ифодаловчи *Mr, Mrs, Miss, Ms, Ser, Dr, Lady yoki Lord* каби ҳамда унвон, мартаба, лавозимни билдирувчи жаноб, генерал, капитан, доктор, граф ва ҳоказо сингари сўзлар лексик тежамкорликни таъминловчи лексик воситалар сирасига киради.

Метафора, метонимия ва синекдоха каби стилистик воситаларнинг янги маънони тежаб ифодалашга ёрдами катта. Бадиий услуб учун аҳамиятли саналган метафора (ўхшашликка асосланган шартли кўчим), метонимия (алоқадорликка асосланган кўчим), синекдоха (бутун ва қисм муносабатига асосланган кўчим) каби кўчим турлари (троплар) орқали тежамлиликнинг лексик ҳолатда содир бўлишини кузатиш мумкин. Булар орасида метонимия ва синекдоха бирор бўлакнинг тушиб қолиши ҳисобига рўй беради. Метафорада эса сўз тушиб қолмайди.

Метонимияни, бир томондан, қўшниликка асосланган кўчириш, иккинчи томондан, инсоннинг ўз атрофидаги дунёдан асосий нарсани ажратиб кўрсатиш қобилиятини очиб берувчи лингвистик сиқиш воситаси сифатида қараш мумкин. У инсон ниятларини ифодалашнинг иқтисодий усули. Метонимия ҳодисани тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита ҳолда, визуал равишда аниқ ифодалашни кучайтиради. Масалан: “*The ham sandwich is waiting for his check*”. / *Чўчқа гўштли сандвични буюртма берган инсон чекини кутмоқда.*

**«Инглиз ва ўзбек тилларидаги матнларда лексик тежамкорликнинг услубий хусусиятлари ва кўринишлари»** номли учинчи бобда лексик-семантик тежамкорлик воситалари ва йўллари ва тежамкорликнинг услубий хосланганлиги тадқиқ қилинади.

Фикрни имплицит (яширин) ифодалашга лексик тежамкорликнинг таъсири алоҳида. Шунинг учун матнларда ундан кенг фойдаланиш ҳолати кузатилади. Ўзбек тилшунослигида тежамлилик тамойилининг фонетик, морфологик (аффиксал), лексик-семантик, синтактик, стилистик сатҳларда амал қилиши лингвистик, лингвопоэтик аспектда, чоғиштирма тилшунослик қоидаларига мувофиқ ўрганилса, унинг нутқдаги аҳамияти янада ёрқинлашади. Фонетик тежамлилик шартли равишда товушнинг кам ёки тушириб қўлланишида кузатилади. Бунда кўпинча олмошларнинг, айрим мустақил ёки ёрдамчи сўзларнинг фонетик вариантдошлигида тежамлиликнинг кузатилиши алоҳида эътиборни тортади:

Олмошлар: *қайси / қай, нима / не.*

Боғловчилар: *билан / била / ила, учун / чун, лекин / лек, агар / гар, токи / то.*

Лексик тежамлилик қуйидаги кўринишларда амал қилади:

Биринчиси, синонимик муносабатдаги перефраза, сўз бирикмаси ёки фразеологик бирикмаларни лексема (сўз) билан ифодалаш орқали. Масалан:

*дала маликаси – маккажўхори, қора олтин – нефть* каби перефразаларни ва ҳ.к.;

*эчкининг боласи – улоқ, отнинг боласи – той* каби сўз бирикмаларини ва ҳ.к.;

*кўнглига қил сизмайди – хафа, оғзи қулогиди – хурсанд* каби ибораларни ва ҳ.к. ўзаро (бир-бирига синоним сифатида (ёзилиши ҳар хил, яъни таркиби бир неча сўздан иборат жумлани бир сўзга алмаштириб) қўллаш мумкин. Фақат бунда уларнинг умумий семантик мазмуни кўлами ҳисобга олинади. Мазкур ҳол такрорийликка йўл қўймазлик, унинг олдини олиш мақсадини кўзда тутади.

Қуйидаги мисол инглиз тилида сўз бирикмасини сўз билан беришга мисол бўла олади:

*“A person who sells things to customers – shop assistant” / “Мижозларга нарса сотувчи инсон – сотувчи.*

Демак, сўз бирикмаси икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг битишув, мослашув, бошқарув усулида бирикишидан пайдо бўладиги, кейин уни биргина сўзга синоним сифатида қўллашдан нутқий тежамкорлик келиб чиқади.

Иккинчиси, синонимик муносабатдаги перефраза, сўз бирикмаси ёки фразеологик бирикмалар лексема (сўз) билан муқобилликда ифодаланар экан, бунда бадий тасвирдан оддий тасвирга ўтиш, коннотативликдан денотативликка силжиш ҳолати юз беришини инкор қилиб бўлмайди.

Тадқиқотчилар айтганидек, тежамлилиқнинг юзага келиши шаклларнинг қисқариши, туширилиши билан боғлиқ бўлгани сабабли семантик тежамлилиқни шаклан ифодалаб бўлмайди.

Семантик тежамлилиқ семаларнинг плеонастик қўлланиши билан юзага келиб, семаларнинг бир архисема асосида мазмуний майдонни ҳосил қилиши архисеманинг хусусий семаларини реаллаштиради, поэтик матнда предикатив, атрибутив, релятив, координатив муносабатдаги танланган семалар фикрни таъкидлаш, бўрттириш орқали эмоционал-экспрессивликни ошириш кўзда тутилади.

Тилимиздаги “яхши” тасдиғини билдирувчи сўз инглиз тилида “Ok”, яъни босма нашрларда пайдо бўлган, “олл коррект”нинг қисқартма шакли билан ифода этилади. У “ҳаммаси тўғри” деган маънони англатиб келади. “Ok: Американинг энг буюк сўзининг мумкин бўлмаган ҳикояси” муаллифи Аллан Меткалфнинг сўзларига кўра, Бостон Морнинг Пост муҳаррири Чарльз Гордон Грин, у тез-тез ҳазил-мутойибаларни ёзган ва суратга олган.

Хулоса қилиб айтганда, тилда баъзан товушларнинг, сўзларнинг, сўздаги айрим қисмларнинг тушириб қолдирилиши сўзнинг лексик-семантик структурал таркибида ўзгаришлар юз беришига олиб келадиги, бу ҳодиса қадимдан олимларнинг эътиборини тортиб келётган масалалардан биридир.

Тежамкорлик бадий асарларда кўпинча персонажларнинг диалогик нутқида кузатилади. Бундан тежамкорлик принципининг ижтимоий ҳаётда кўпроқ инсонларнинг сўзлашув нутқида учраши аёнлашади. Негаки, жонли тилнинг амал қилиши жараёнида баъзан товуш ёки бўғин, баъзан эса сўз ё гап тежаллади. Бу эса тилнинг ўзгариб, ривожланиб боришидан дарак беради. Шундан тилдаги тежамлилиқ тамойили ва қисқарув ҳодисаси тилнинг амал қилишида ёрқин намоён бўлувчи муҳим ҳодисалардан бири сифатида кўринади. У ўзига хос қонуният даражасига кўтарилгани билан алоҳида эътиборни тортади.

Тежамкорликнинг бир кўриниши гапни тугатмаслик. Тугамаган гап эса матнларда кўп нуқта билан берилади: *“Бош қотириб ўтирадиган жойи йўқ, – деди у. – Унга хат ёзиб юбориш керак, уйини тартибга келтириб қўйсин. Бир озгина фурсат берайлик, агар шунда ҳам нафи тегмаса...”*

– Э, йўқ, бўлмайди, сэр, – унинг сўзини кесди судья. – Ким ледининг юзига қараб туриб, сасиб кетяпти дейди. (А.Қаҳҳор)

Демак, юқоридаги гапнинг тугатилмай қолишига унинг тингловчи томонидан кутилмаганда “кесиб қўйилиши” сабаб бўлмоқда. Шунингдек, келтирилган гапнинг давоми бўлган “Ким ледининг юзига қараб туриб, сасиб кетяпти дейди” гапида яна иккита тежамкорликни кузатиш мумкин. Биринчиси – “леди” сўзини келтириш орқали антропоним (шахс исми) тежалмоқда. Аслида у “леди Мисс Эмили Грирсон” бўлиши лозим эди. Чунки ҳикоя шу хоним номи билан боғлиқ.

Иккинчиси шуки, “*сасиб кетяпти*” феъли асарда “майит”га нисбатан ишлатилган. Зеро, бу сўз гўштга, озиқ-овқатга, қўлмақларга нисбатан ва ҳоказо ишлатилиши мумкин.

Кўпинча инглизча матнларда эркак ва аёлларга нисбатан мурожаат сўзлари қўлланади. Масалан, юқорида эркак кишига “сер”, аёлларга леди, мем, мисс, миссис сингари сўзлар қўлланади. Масалан, “мисс – инглизларда турмушга чиқмаган қиз” тушунчасини англатади: “*Мисс Лесли бир йилдан бери ўз вазифасини аъло даражада бажариб келяпти*”.

“Мисс” ёки “леди” сўзлари ўрнида ўзбекча таржима матнларида кўпинча “хоним” сўзи, эркак киши учун эса “жаноб” сўзи ишлатилади: “*Қария Жек ўрнидан туриб, мени боғламдан ажратди-да, таъзим билан аёлга узатди. – Хоним, – деди актёрлардек, – мана, ифлос купюра. Мен қиморбозман. Бу пул бугун олийҳиммат оиладан чиққан бир ўсмирдан менга ўтди. Уни қандай қўлга киритган, билмайман. Агар бу пулни қабул қилсангиз, у сизники. – Сэр, – деди аёл, – бу пуллар босмадан чиққандаёқ мен уларнинг мингтасини бир даста қилиб санаб тахлаганман*”.

Булардан англашиладики, бадий матнларда тилшуносликка хос тежамкорликлик принципи асосида тушириб қолдирилган сўзларни (лексик birlikларни) токи асар сюжетида хабардор бўлмаса, бирдан илғаб бўлмайди.

Сўзнинг чала ёзилиши ҳам лексик тежамкорликнинг бир кўриниши дейиш мумкин. Масалан:

– *Менга заҳар керак, – деди у.*

– *Хўп бўлади, мисс Эмили, лекин қанақасидан бўлсин? Каламушга бўлса керак-да? Мен сизга тавс...*

Қўшма сўз / тавсия қилмоқ / тавс... шаклида қисқартирилган. Қисқартирилган сўзлар ҳам лексик тежамкорликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Юқорида “*тавсия қилмоқ*” феълининг “тавс...” кўринишида қисқартирилиб берилишига сабаб шуки, қиз сўзловчини охиригача тингламай чиқиб кетади. Натижада асарда шундай лексик қисқартма ишлатилишига сабаб пайдо бўлади.

Сўзловчининг гапини бўлиб қўйиш натижасида тежамкорликка эришиш кўп учрайдиган ҳолатлардан биридир. Бунга О.Генрининг “Шафтоли ва Пўртахол” ҳикоясидан қуйидаги парчани ҳам мисол қилиш мумкин: “*Бундай лавозим учун ёшлиқ қилмасмикан? – сўради иккинчиси. – Нима учун ёшлиқ қиларкан? – овозини баландлатди шериги. – Менимча... Тўхтанг, сиз наҳот тушунмадингиз? Ўзингиз ўйлаб кўринг, қайси шериф маҳбусни ўзининг ўнг қўлига кишанлайди?*”

Қуйидаги гапда “яхшиси” сўзининг қўлланиши ҳам лексик тежамкорликка олиб келган: “*Менга энг яхшиси керак – нима деб аталиши билан ишим йўқ*”.

Аслида келтирилган гап “Менга (заҳарнинг) энг яхшиси керак – (унинг) нима деб аталиши билан (менинг) ишим йўқ” мазмунида бўлиб, унда заҳар, унинг, менинг сўзлари тушириб қолдирилгани олдинги контекстан англашилиб туради.

## ХУЛОСА

1. Турли ўзгаришлар туфайли динамик тарзда фаоллашиб ва ривожланиб борадиган тилнинг тузилиши доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб боради. Унинг ўзгариши ва такомиллашида эса тил тежамкорлигининг алоҳида ўрни бор. Ер юзида бирор тил йўқки, у ўзгармай қолса ёки тежамкорликка интилмаसा. Лисоний тежамкорлик тилнинг табиий қўлланилиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Тежамлилик ҳодисаси тил бирлигининг шаклий томони билан боғланадики, шу сабабли семантик тежамлиликни шаклан ифодалаб бўлмайди.

2. Жамият, фан ва техника, адабиёт ва санъатнинг жадал ривожланиши, тил эгаларининг кундалик ҳаётидаги турфа ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ўзгаришлар янги воқеликларнинг ҳар хил белгилари ифодаси пайдо бўлишига олиб келадики, бу тил ва нутқда ҳам кўринади. Уларни ихчам қилиб ифодалаш учун эса кўпинча тежамкорлик, қисқалик, лаконикизмга интиладилар. Тежамкорлик – фикрларни ифода этишнинг тежамкор воситалари ва ахборотни узатишнинг энг қулай усулларига таянади.

3. Энг муҳим ва зарур қонунлардан бири бўлган тил тежамкорлиги нутқда товуш, бўғин, сўз, ибора, бирикма ва гапни тежаш кўринишларида намоён бўлади. Айниқса, лексик тежамкорлик кенг тарқалгани билан алоҳида эътиборни тортади. Бунда нутқ ресурсларини тежаш, у билан боғлиқ турли ноқулайликлар, ортиқчаликлардан воз кечиш, физиологик ҳаракатлар туфайли сарф қилинадиган ортиқча кучни иқтисод қилиш, хотиранинг ишлашини қийинлаштирмаслик, ёзувда ва талаффузда ихчамликка интилиш, орфоэпик ҳамда орфографик мураккабликларга қарши туриш сингарилар туфайли тежамкорликка интиладилар. Ортиқча ва қўшимча элементларнинг барчаси нутқдан чиқариб юборилади.

4. Лексик тежамкорлик – нутққа хос тежамкорлик тамойилларидан бири бўлиб, унда сўз таркибидаги бирор товуш тушириб қолдирилади. Унда адабий талаффуз қоидалари ва нормаларига риоя қилинмайди, аммо бу ўзгаришлар нутқ мазмунини тушунишга тўсқинлик қилмайди. Баъзан эса гапдаги бирор сўз ёки ибора ҳам тушириб қолдирилади. Бу сўз гап таркибида бирор-бир синтактик (эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи) вазифа бажариб келиши туфайли лексик эмас, синтактик тежамкорлик ҳисобланади.

5. Инглиз ва ўзбек тилларида тежамкорлик асосий ва энг кенг тарқалган жараёнлардан биридир. Бунда тил тежамкорлиги нутқни тежашга олиб келади. Унинг ўз мезонлари мавжуд. Нутқий тежамкорлик тамойили ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутққа хос бўлиб, ёзма адабий нутқда янада ёрқин акс этиб туриши кузатилади. Аммо унга нисбатан сўзлашув нутқида тил тежамкорлиги

тамойили энг кўп тарқалган ва энг кўп қўлланиш соҳасидир. У тил тежамкорлиги воқеланишининг асосий соҳаси ҳисобланади. Лексик тежамкорлик ҳодисаси сўзлашув нутқида ҳам, адабий тилда ҳам акс этади. У замонавий нутқда тежамкорликнинг нисбатан кенг тарқалган ва умумлашган асосий кўринишларидан биридир.

6. Тил тежамкорлигида турли тил сатҳларида фонетик, лексик, синтактик, грамматик, график тежамкорлик турлари воқеланиши кузатилади. Тежамкорлик мулоқотнинг нутқий воситалари таъсирида пайдо бўлади. Мулоқот жараёнида фикрларни ифода этишнинг тежамкор воситаларини ва ахборот узатишнинг оптимал усулларини излашга уриниш лисоний тежамкорликнинг самарали бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Тежамлилик тамойилидан фоноцион энергияни тежаш орқали ихчам ва лаконик ифода, услубий равонлик, вазн талабига мослаш, айрим ўринларда стилистик функция бажариш кўзда тутилади.

7. Лексик тежамлиликда троп, яъни сўз маънолари кўчими билан боғлиқ ҳодисалар – метафора, метонимия, синекдоха кабилар ва субстантивлашган сўзлар орқали кенг тасвир қисқа баён этилиб, бадий тасвир кўлами ошади. Морфологик тежамлилик маълум қўшимчанинг белгисиз келиши ёки фонетик қисқаруви билан юзага келиб, поэтик матнда ортиқчаликка барҳам беради. Шеърый матнларда у вазн ҳамда услуб талаби билан юзага келади. Синтактик тежамлиликда ихчам, лаконик ифоданинг фикрни тез ва осон тушунишга имкон яратиши поэтик матн талабларига мос келади.

8. Бадий асар тилини ўрганиш ўзбек тилшунослигининг ҳозирги кундаги мунозарали ва долзарб масалаларидан биридир. Тежамкорлик ҳа айнан унинг долзарб муаммолари қаторига мансуб. Тилнинг барча сатҳларида амал қилувчи лисоний тежамлилик тамойили ҳар қандай матннинг шаклланишида зарурий воситалардан бири саналиб, тежамлилик тилда маълум тил бирлигини белгисиз қўллаш ёки қисқартириш натижасида юзага келади.

9. Ҳар қандай матнда фонетик, лексик-семантик, морфологик, синтактик шаклларни нутқий ихчамликка асосланган ҳолда тушириб қолдириш етакчи саналади. Аммо нутқда тил бирликларини меъёрдан ортиқ ҳолда тежаш баъзан ғализлик ва ноаниқликка ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг учун тил бирликларини таркибдан туширишдан кўзланган мақсад қай даражада эканлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

10. Тежамкорлик тамойили тил тизими қонуниятларидан биридир. У ўзига хос мураккаб моҳиятга эга бўлиб, хилма-хил шаклларда намоён бўлади ва тил тараққиётида муҳим ўрин тутди. Тилшуносликда тежамкорлик тамойили ва унинг ўзига хос қонуниятлари, шакл ҳамда механизмлари тўғрисида гоҳ бир-бирини тўлдирувчи, гоҳ бир-бирини инкор қилувчи турли фикрлар билдирилиб келинмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**САИДОВ ХАЙРУЛЛА ШАВКАТОВИЧ**

**ВЫРАЖЕНИЕ ЛЕКСИЧЕСКОЙ ЭКОНОМИИ В АНГЛИЙСКОМ И  
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сравнительное языкознание и  
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации на соискание учёной степени доктора наук (PhD) по**  
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером №В2020.4.PhD/Fil1460 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:**

**Расулов Зубайдулло Изомович**  
доктор филологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Ахмедов Ойбек Сапорбаевич**  
доктор филологических наук, профессор

**Насруллаева Нафиса Зафаровна**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится «28» января 2023 года в «11<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 по присуждению научных степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована за № 264). Адрес: 200118, город Бухара, улица М.Икбол, 11. Тел: +99865 221-25-87).

Автореферат диссертации разослан «07» января 2023 года

(Протокол реестра рассылки № 23-04 от «07» января 2023 года).



**Д.С.Ураева**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

**Г.Н. Муродов**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

**М.М.Жураева**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Возможности применения и выбора языковых единиц у народов мира различны. Более ярко это проявляется в нарушениях, возникающих из-за постоянно происходящих фонетических, морфологических, лексических, синтаксических изменений, национальной психологии, языка, социального образа жизни в котором они живут. В результате изучение явлений опускания звука, значения слова, различных морфологических и синтаксических форм в речевых проявлениях на основе речевой лаконичности или их использования с целью коннотативного выражения приобретает важное значение для раскрытия коммуникативных, выразительных свойств языка.

В мировой лингвистике, в связи с непрерывным развитием каждого языка вместе с обществом, лингвистические факторы становятся предметом все новых и новых исследований лингвистов. Изучение лексической экономии в речи также является одним из спорных и актуальных вопросов современного языкознания. Сегодня лексическая общность проявляется как в поэтической, так и в простой речи, что свидетельствует о присущих ей нормах, месте и роли языковых единиц в тексте, функционально-стилистических возможностях, возникновение речевых трудностей если они сохраняются в избытке, отсюда и принцип экономии в языке и речи. выявление теоретико-практических основ, указание путей достижения краткого и лаконичного выражения, стилистической беглости, на основе экономии определяют долговечность выбранной темы.

В нашей независимой стране, где осуществляются широкомасштабные реформы, в области языкознания, как и во всех сферах, ставятся большие и приоритетные задачи “от национального возрождения к национальному подъему”<sup>1</sup>. В числе этих задач-сравнительное изучение вопросов, связанных с лексической экономией в английском и узбекском языках, относящихся к разным системным языкам. Это связано с тем, что дальнейшая стабилизация взаимовыгодных отношений между двумя народами имеет большое значение, поскольку она служит расширению возможностей.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5850 “О мерах по коренному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного” от 21 октября 2019 года, №УП-4789 “Развитие системы печати и распространения книжной продукции, о создании комиссии по повышению и пропаганде культуры чтения и чтения” от 12 января 2017 года, №УП-1875 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков” от 10 декабря 2012 года, Постановлении №ПП-2789 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности” от 17 февраля 2017 года, Постановлении Кабинета Министров №376 “О мерах по совершенствованию системы перевода и публикации

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь Олий Мажлисидаги нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 12. <https://uza.uz>

лучших образцов мировой литературы на узбекский язык и шедевров узбекской литературы на иностранные языки” от 18 мая 2018 года, а также других нормативно-правовых документов относительно данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Формирование системы инновационных идей и их реализация в социальном, правовом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства”.

**Степень изученности проблемы.** Научно-теоретические взгляды на предмет исследования встречаются в исследованиях таких зарубежных лингвистов, как В.Гумбольдт, В.В.Воробьев, Э.Сепир, В.А.Маслова, В.В.Красных, С.В.Иванова, Н.Ф.Алефиренко, Н.Д.Арутюнова, Т.Ф.Волкова, Т.Б.Евсюкова, К.Р.Каграманова и др.<sup>2</sup>

